

Чет тилларини ўқитишда лойиҳа методининг аҳамияти ва уни амалиётда самарали қўллаш

(Халқаро лойиҳалар тажрибаси мисолида)

Ассалому алейкум, ҳурматли видеосеминар қатнашчилари. Ҳозирги тақдимот мавзуси “Чет тилларини ўқитишда лойиҳа методининг аҳамияти ва уни амалиётда самарали қўллаш” бўлиб, мавзунини кенгроқ ёритиш мақсадида халқаро лойиҳалар мисолида кўриб чиқамиз.

Слайд 1

Барчамизга маълумки, бугунги кунда чет тили дарсларини ўқитишда турли педагогик технологиялар ва методлар кенг қўлланиб келинмоқда. Булар қаторида:

Слайд 2

- Коммуникатив метод
- Ўйин методи
- Аудио-лингвистик метод
- Грамматик-таржима методи
- Лойиҳа метод ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Слайд 3-4

Қуйида биз лойиҳа методи нима, унинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат, бошқа методлардан афзаллиги нимада ва бу методни синфда қандай қўллаш мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Слайд 5

Педагогикада лойиҳа методининг қўлланилиш тарихи, бир асрдан ортиқроқ вақтга бориб тақалади. Ушбу методнинг асосчиси америкалик файласуф-прагматик, психолог ва педагог Джон Дьюи (1859-1952) ҳисобланади. Унинг фикрича, ўқувчиларга дарс жараёнида синфдан ташқари ва бошқа фанларда қўлга киритган билимларини намоён этишга имконият бериш керак.

Слайд 6

Лойиҳа методи – бирор мавзуда ўқувчиларнинг яқка тартибда, гуруҳларда эркин, ижодий изланиш олиб боришлари ва уни изланиш натижасини тақдим этишларидир. Унинг афзаллиги, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, дунёқарашини кенгайтириш, мустақил фикрлаш ва эркин баён

этиш, таҳлил қилиш, мавзуни кенгроқ ёритиш ва кўшимча ўқув манбалардан фойдаланиш имконини беради.

Слайд 7

Лойиҳа жараёнида ўқувчининг роли куйидагилардан иборат: лойиҳадаги фаолиятининг мақсадларини белгилаб олади, Янги билимларни эгаллаб олади ва ўрганишнинг янгича усулларини кашф этади, ҳамкорликда ёки якка тартибда ишлар кўникмаларини ҳосил қилади, ижодий ёндашув орқали ўзининг қобилиятларини намоён этади. Ўқитувчи эса ўз навбатида, ўқувчига ушбу жараёни ташкил этишга кўмаклашади, тавсия беради, ўқувчиларнинг яширин қобилиятлари ҳақида билимга эга бўлади ва барча ўқувчиларнинг дарс жараёнига фаол иштирок этишига эришади.

Слайд 8

Изланиш жараёни уч босқичда амалга оширилади

Слайд 9

1-босқич. Тайёрлаш босқичи:

- ўқув режаси ва дастурига мос мавзуни танлаш;
- мавзу аспектларига эътибор қаратиш;
- мавзуни ёритишга ёндошувни белгилаб олиш.

8-синф, “English Holidays and traditions” мавзусида берилган. Ўқувчиларнинг байрам ва урф-одатлар ҳақида эркин сўзлай олишларига эришиш.

Слайд 10

2-босқич. Асосий босқич:

- лойиҳани ўқувчиларга тушунтириш
- лексик ва грамматик жиҳатлар билан таъминлаш
- адабиётларни таништириш.

Шу босқичда ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, гуруҳ аъзолари орасида роллар тақсимланади.

Слайд 11

3-босқич. Яқунловчи босқич: Лойиҳа натижаларини коллаж, деворий газета, компьютер графикаси (слайдлар, видео роликлар, фото кўргазма), буклетларда акс эттириш ва ўз лойиҳасини химоя қилиш.

Слайд 12

Лойиҳалар классификацияси (давомийлигига кўра) қуйидагиларга бўлинади:

- **Мини лойиҳалар.** Масалан, уй вазифаси сифатида бериладиган лойиҳа (“My hobby”).
- **Қисқа муддатли лойиҳалар** (2-3 соатга мўлжалланган) – бўлим охирида тақдим этилади – “Sport Games,” “National flags”.
- **Ҳафталик лойиҳалар** – бир нечта бўлим бўйича.
- **Ўқув йили давомида олиб бориладиган лойиҳалар** – “Famous places”, “Literature”.

Слайд 13

Лойиҳалар классификацияси (ташқил этилган ҳудудига кўра) қуйидагиларга бўлинади:

- **Синфдаги лойиҳалар** – битта синф ўқувчилари билан олиб борилади, масалан, “English writers”
- **Синфлараро мактаб лойиҳаси** – мактабдаги параллел синфлар орасида утказилади
- **Туман, шаҳар, республика миқёсидаги лойиҳалар** – мактаблардаги параллел синфлар орасида ташқил қилинади
- **Халқаро лойиҳалар**

Слайд 14-15 Экранда кўриб турганингиз, синф ўқувчилари орасида ўтказилган “My friend” лойиҳаси, “Holiday Card Exchange” халқаро лойиҳаси.

Слайд 16

Халқаро лойиҳага мисол тариқасида Тошкент шаҳар 206-мактаб ўқувчилари иштирок этган IЕARN лойиҳасини сизга таништирамоқчиман. Ушбу лойиҳада иштирок этиш учун ташкилот вебсайти саҳифасида рўйхатдан ўтиш керак, ўз фани ва тақвим мавзу режасига мос лойиҳани танлаши ва унда иштирок этиш учун ариза бериш керак. Аризангизга кўра қабул қилинганлигингиз ҳақида хабар жўнатилади ва сиз турли мамлакатларда жойлашган ва лойиҳада иштирок этиш истагини билдирган 6-8та мактаблар билан гуруҳларга ажратиласиз.

Слайд 17

Гуруҳимизда иккита Таиланд, битта АҚШ, битта Белоруссия ва битта Россия мактаби бор эди.

Слайд 18 Лойиҳа якунида барча ижодий ишларимиз ташкилот сайтнинг онлайн журнали архивидан ўурин олди.

Слайд 19

Лойиҳа жараёнида ўқувчилар миллий ва халқаро байрамлар, урф-одатларни ўрганиб чиқишди. Йиғилган маълумотларни буклет, табрикнома, деворий газета кўринишида акс эттириб, дунёнинг турли бурчакларида жойлашган мактабларда таҳсил олаётган тенгдошлари билан бўлишиш орқали дунёвий, лингвистик билимларга эга бўлдилар.

Слайд 20

Лойиҳада яратилган материаллардан кейинчалик кўргазмани қурол сифатида дарсларда қўллаш мумкин

Слайд 21

Слайд 22

ЛОЙИҲА МЕТОДИ

- синф ўқувчилари орасида фанга қизиқишни уйғотиш;
- соғлом рақобат муҳити яратиш;
- ижодий ёндашувни қўллаб-қувватлаш;
- кенгроқ билим эгаллашга имкон бериш;
- мониторинг натижасида аниқланган бўшлиқлар билан ишлаш;
- ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзуларни сингдириш каби ижобий натижалар беради.

Тошкент шаҳар
Юнусобод туманидаги
260-мактаб инглиз тили тренер-ўқитувчиси
М.Нарзуллаева